



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 14 июнь, № 121 (7079)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯХШИЛАШ, ОДАМЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифининг биринчи кунги кўлаб янги лойиҳалар билан танишди, тадбиркор ва инвесторлар, ишчи-хизматчилар, фермерлар, нурунийлар билан учрашди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қўролчи Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи кунги Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлди.

Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган вазифалар ижросининг бориши билан танишди, ҳарбий-ҳаво десантчилари бригадаси машғулотларини кузатди, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимиз сарҳадлари ҳимоячилирини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, ушбу ҳарбий қисм-

да ҳам Ватан ҳимоячиларининг ўз хизмат бурчини намунали ўташи учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордиқ маркази, Маънавият маркази, аутсорсинг тизими жорий этилган ошхонани кўздан кечирди.

— Ватанни севиш — улус фазилат. Ёшларимизни ана шундай фазилатли қилиб тарбиялашимиз керак. Бунинг учун сиз каби мағрур, бақувват йигитлар намуна бўлиши зарур. Ёшлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларни миллий ифтихор, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш керак, — деди Президент.

Учрашувда ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳарбий-ҳаво десантчилари

тайёргарлигини ошириб бориш учун аэродинамик тренажёрлар ўрнатиш, «Ватанпарвар» ташкилотлари хузурида парашютчилар тўғрақлари очиш бўйича топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги Мустақиллик мавзесида барпо этилаётган кўп қаватли янги уй-жойлар билан танишди.

Дастлаб Фарғона шаҳрининг Бош режаси асосида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги 2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ўтган йили Мустақиллик мавзесида 7 қаватли 5 та уй қурилиб, эҳтиёжманд оилаларга топширилган эди.

Бу уйлар 2 ва 3 хонали бўлиб, йигирма йиллик имтиёзли ипотека кредити асосида берилган. Хонадонларда барча шароит яратилган. Квартиралар иситиш

қозони билан таъминланган. Биноларга замонавий лифтлар ўрнатилган.

Айни пайтда ҳудудда жорий йилга режалаштирилган 10 та уй, меҳмонхона, 150 ўринли боғча қуриб битказилмоқда. 2019 ва 2020 йилларда бу ерда яна 19 та кўп қаватли уй барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйлар учун Туркия, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда қўлланилаётган тураржой биноларини блоклардан барпо этиш тажрибасини ўзлаштириш зарурлигини таъкидлади.

— Блоклардан қуриладиган уй тез битади, зилзилага бардошли, таннархи арзон бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ривожланган давлатларнинг барчасида ана шундай уйлар қурилмоқда. Мамлакатимизга блоклардан уй қуриш бўйича замонавий технология олиб келинмоқда. Бу келгусида уй-жой қурилишини кўпайтириш имконини беради.

Ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар ва шифокорларга

мўлжалланган кўп қаватли уйлар бунёд этишга киришиш, улар учун бошланғич бадал тўловида имтиёзлар бериш истиқболдаги режалардан экани қайд этилди.

Шу ерда вилоятдаги мавжуд инфратузилма иншоотларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, Фарғона, Марғилон, Қувасой ва Қўқон шаҳарларидаги кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимини қайта тиклаш, вилоятда ичимлик суви ва канализация тармоқларини ривожлантириш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Фарғона вилоятидаги ушбу йирик шаҳарларни ривожлантириш, аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан мазкур шаҳарлар ҳокимларига зарур топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи ниҳоясига етди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлардан табрик мактублари келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Мелания ва мен Сизга ва Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Рамазон ойининг якунланишини нишонлар эканмиз, қўшниларга ёрдам бериш ва турли эътиқодга мансуб одамлар билан таомни баҳам кўришдек ислом динининг адолат ва раҳм-шафқатли бўлиш каби муқаддас аъъанасини янада теран англаймиз. Рамазон ҳайити дўстликда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва барчаниннг ўз салоҳиятини тўлалигича рўёбга чиқара оладиган жамиятни барпо этиш масъулиятини ёдга солади.

Америка Қўшма Штатлари қўллаб диний эътиқодлар, шу жумладан, мамлакатимиз ўқалишига муҳим ҳисса қўшган ва Қўролчи Кучларимизда шараф билан хизмат қилган америкалик мусулмонларнинг ҳам юртидир.

Ушбу фазилатли айёмда мен дунёдаги барча мусулмонларга ўзининг энг самимий табрикларимни йўллар эканман, келаси йилдаги Рамазон ҳайитини ҳам сиҳат-саломатлик ва фаровонликда нишонлашни тилайман. Рамазон ҳайити муборак бўлсин!

Эътиром ила,

**Дональд Ж. ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти**

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбаев;

Туркменистон Президенти
Гурбангули Бердимухамедов;

Озарбайжон Республикаси Президенти
Илҳом Алиев;

Саудия Арабистони Подшоҳи,
икки муқаддас Масжид ходими
Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
мудофаа вазири
Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи
Абдулла Иккинчи бин ал-Хусайн;

Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин Озодлик ташкилоти
Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос;**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
Юсуф ал-Усаймин.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

АФВ бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-мурувват ифодаси

Мамлакатимизда муборак Рамазон ойи хайру баракаси амалга ошираётган эзгу савий-ҳаракатларимизда, халқимиз турмуш даражасининг янада юксалаётганида намоён бўлмоқда.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг кунги кеча — кулгў байрам арафасида имзоланган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони юртдошларимиз, кенг жамоатчилик томонидан бағрикенглик, олижаноблик, инсонпарварлиқнинг юксак намунаси сифатида қутиб олинди.

Бинобарин, мамлакатимизда илк маротаба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳамда тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди.

**Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутаты:**

— Бугунги ислохотлар жараёнида инсонпарварлик таъомилли устувор аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, мазкур ҳужжат юртимизда бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу амаллар юксак намоён бўлаётганининг ёрқин ифодаси, дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Александр ЛУКАШЕНКО:

«Беларусь — Ўзбекистон алоқаларида ўтган 20 йилдагидан кўра кўпроқ иш қилинди...

Бу Ўзбекистон Президентининг хизматлари. У оқил ва иқтидорли инсон»

Беларусь

Президенти

Александр

Лукашенко

Ўзбекистон билан

алоқалар ривож

иқори суръатлар

касб этаётганини

таъкидлади.



Бу ҳақда Беларусь раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев билан учрашув давомида айтиб ўтди, дея хабар беради Беларусь Президенти матбуот хизмати.

“Кейинги йилларда, балки ундан сал кўпроқдир, агар янги даврни

олиб қарайдиган бўлсак, менинг дўстим Шавкат Мирзиёев бошичилигида Беларусь — Ўзбекистон алоқаларида ўтган 20 йилдан кўра кўпроқ иш қилинди. Бу ерда менинг хизматларим минимум. Бу Ўзбекистон Президентининг хизматлари. У оқил ва иқтидорли инсон”.

Бизнинг суҳбат

МАҚОМ

САНЪАТИ ДОВРУҒИ ДУНЁГА ЁЙИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори миллий санъатимизга бўлган юксак эътиборни ифодаловчи тарихий ҳужжат бўлди. Унга асосан, 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади. 2018 йил 6 апрелда Президентимизнинг ушбу йўналишдаги навбатдаги ҳужжати — “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Санъат байрамининг дастлабкиси жорий йилнинг 6 — 10 сентябрь кунлари бўлиб ўтиши белгиланди.

4 ➔

ОҚИЛА, ТИНИБ-ТИНЧИМАС, МЕҲРИБОН

Пойтахтимизда «Ҳамшира — 2018» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соҳа ҳодимлари Қасаба уюшмаси республика кенгаши ва Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирнинг мамлакат босқичида ҳудудларда ғолиб бўлган 14 нафар ҳамшира ўзаро беллашди.

Рағбат

Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур тизимда уч юз минг нафардан кўпроқ ўрта тиббиёт ходимлари халқимизга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш учун қулай шароит яратилапти. Бунинг учун, энг аввало, тиббиёт коллежларида ёшларга халқаро андозалар даражасида таълим бериш, жаҳон тиббиётининг илгор ютуқларини чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани аҳолига сифатли ҳамширалик ёрдами кўрсатиш, бу йўналишда тиббиётнинг энг илгор услубларини амалиётга жорий этиш имконини бермоқда.

(Давоми 3-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ оғлан сурат.

«Ўзбекистон — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юрагидир»

Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида Ўзбекистоннинг иштироки ва мамлакатимиз раҳбари билдирган амалий таклифлар чет эл оммавий ахборот воситаларида катта қизиқишларга сабаб бўлди.

ОАВ ШАРҲИ

Хитойнинг “Asia Times” газетаси Циндао учрашувига бағишланган тахлилий мақолада бу йилги саммитнинг ўзига хос томони сифатида у илк бор “саккизлик” форматида ўтгани таъкидланади:



“Бу сафар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Хиндистон Бош вазири Нарендра Модди ва Покистон Президенти Мамнун Хусайн ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари сифатида иштирок этди. Ушбу давлатлар 2016 йилги Тошкент саммитида ШХТга аъзо давлат мақоми олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзолаган ҳамда бу улар учун ташкилотга йўл очганди”.

Тахлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим давлати ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг “юраги” бўлиб қолмоқда. Расмий Тошкент томонидан сўнги вақтда амалга оширилган жадал дипломатик чора-тадбирлар минтақадаги тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга, давлатлараро алоқаларни кучайтиришга имконият яратди.

“Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларига расмий таширф буюриб, Оқ уйдаги музокараларда Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати ва олиб борилаётган ислохотлар яна бир қарра юксак эътироф қозонди”, деб ёзади хитойлик шарҳловчилар.

Хитойнинг “Global Times” газетаси эса



мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг саммит доирасида билдирган таклиф-

лари амалий хусусият касб этиб, аниқ мақсадга йўналтирилгани билан ажралиб турганини таъкидлайди. Хусусан, экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш учун “яшил йўлақлар”ни яратиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш, минтақалараро транспорт лойиҳаларини амалга ошириш борасида билдирилган таклифлар бугунги кунда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

“Расмий Тошкент илгари сурган таклифларнинг амалга оширилиши ШХТ фаолияти самарадорлигининг сезиларли даражада ортишига хизмат қилади. Бунинг учун тузилмага аъзо давлатларнинг яқдил сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари лозим бўлади”.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви ҳақида фикр юритар экан, “Синьхуа” ахборот агентлиги икки мамлакат муносабатларига “кенг қўлмали стратегик шериклик”, деб баҳо беради.

Журналистлар қайд этганидек, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларни ташкил қилиб, хитойлик тадбир-



корлар Ўзбекистонда 700 дан ортиқ корхоналарга асос солган. Кимё, тўқимачилик, транспорт, нефть-газ ва қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларда янги лойиҳалар ишга туширилди.

Япониянинг “The Mainichi” газетасида ёзилишича, бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг дунёдаги обрў-эътибори изчил ўсиб бораётди. Яқинда тузилма “аҳолиси” бир ярим миллиардга кўпайди, унинг жуғрофий майдони эса бир неча баробар ортди. Табиийки, иқтисодий ҳамда интеллектуал салоҳияти салмоқли даражада кенгайди.

“Бугун Евросиё қитъасида турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир пайтда ШХТ доирасидаги ҳамкорлик хавфсизлик ҳамда



барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим механизми сифатида намоён бўлмоқда. Аъзо давлатлар ўртасидаги бирлик ва аҳиллик сакланиб қолинган тақдирда, тузилма янада катта обрў ҳамда эътиборга эга бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистоннинг фаол саъй-ҳаракатлари натижасида ШХТнинг бир бўлаги бўлмиш Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит юзага келдики, у ўзаро ишонч, ҳурмат билан характерланади. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги ва уларнинг ШХТга аъзо давлатлар билан алоқалари салмоқли даражада кенгайди ҳамда фаоллашди”.

Россиянинг “ТАСС” ахборот агентлиги Ўзбекистон раҳбарининг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашуви ҳақида батафсил репортаж таркатди.

“Бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ҳамда иттифокчилик хусусиятига эгалити яна бир бор тасдиқланди”, дея хабар беради агентлик. Сўнги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, турли даражалардаги учрашувлар ва анжуманлар ўтказилди. 2018 йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 40 фоиз ўсди.

Россия Президентининг мамлакатларимиз биргаликда қўллаб самарали лойиҳаларни амалга ошираётгани ҳақидаги сўзларини келтирар экан, “ТАСС” биргина Ўзбекистондан Россияга мева-сабзавотларни етказиб беришининг ўзи 36 фоиз ортганини таъкидлайди. “Лукойл”, “Росатом” сингари компаниялар томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ҳамда киритилган сармоялар муҳим аҳамият касб этиши ҳам эътироф қилинади.

“Жорий йил кузида Владимир Путиннинг Тошкентга таширф буюриши кутилмоқда. Шу билан бирга, илк бор Ўзбекистон ва Россия худудлараро форумини ўтказиш режалашти-

рилаётир”, дея ёзилади агентлик таркатган хабарда.

Хиндистоннинг нуфузли “The Hindu” газетаси бош саҳифасида Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Хиндистон Бош вазири Нарендра Модди учрашуви тўғрисидаги мақола чоп этилди.

Унда музокаралар чоғида Нарендра Модди ўзбек томонига ўз давлатининг ШХТга аъзоликка қабул қилинишини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдиргани, бу Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни икки ва



кўп томонлама миқёсда ривожлантириш учун янги имкониятлар очиши таъкидланади.

Газета шарҳловчиларининг фикрича, Ўзбекистон Нью-Дехлининг Марказий Осиёга нисбатан янги сиёсатида асосий ўрин тутadi. Хиндистонлик ишбилармонлар мазкур республикадаги эркин иқтисодий зоналарга катта ҳажмдаги сармоя киритишни режалаштирган.

“Покистон Ўзбекистонга дунё бозорига маҳсулотларни экспорт қилиш учун ўз портларидан фойдаланишни таклиф этмоқда”. Покистоннинг “Daily Times” газетасида чоп қилинган мақола ана шундай номланади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислои Республикаси Президенти Мамнун Хусайн билан бўлиб ўтган мулоқоти тафсилотлари акс этган.

“Daily Times” маълумотига кўра, Президент



Мамнун Хусайн Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлишда кўрсатган ёрдами учун расмий Тошкентга миннатдорлик изҳор қилди. “Учрашувда Ўзбекистоннинг ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолиятидаги юксак аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ўз томонидан Покистон ушбу тузилма ишига ҳар томонлама қўмақлашиш, минтақада тинчлик ва оқсоийшталлиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш истагини билдирди”.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи»)
тайёрлади.

Халқ сўзи

ФХДЁ органларида татбиқ этилаётган самарали тизим

соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутadi

Маълумотларга кўра, республикада 230 дан ортиқ ФХДЁ бўлимида мавжуд бўлиб, уларда биргина ўтган йили 1,2 млн. марта фуқаролик ҳолатларининг ёзувлари амалга оширилган. Тўғри, соҳада фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо ФХДЁ органлари томонидан кўрсатилган хизматлари бугунги қизгин жараёнда талаб даражасида, дейиш бир оз мушкул. Бунга қўллаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 июндаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани янада ривожлантириш, бу борадаги муаммоларга ечим топишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

— ФХДЁ органларининг мақоми, вазифа ва ваколатларини белгилab берадиган махсус қонун ханузгача мавжуд эмас, шунингдек, ушбу соҳадаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг асосий функциялари бугунги кунга қадар аниқ чегараланмаган эди, — дейди Адлия вазيري ўринбосари Акбар Тошқулов. — Табиийки, ваколатнинг аниқ бир чегараси бўлмаслиги ҳар қандай соҳа ривожига тўқинлик қилади. Шу боис қарор билан тизимда самарали механизмларнинг татбиқ этилиши ортиқча қўғозбозликларга чек қўйди, тўғилганлик ёхуд ўлим ҳолатлари тўғрисидаги маълумотномаларни олишдаги хизматларнинг сифати ва тезкорлигини оширади.

Айтиш жоизки, мазкур хужжат билан муқаддам Адлия вазирлиги тизимида бўлган, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб худудлардаги ҳокимликлар тасаруфига ўтказиладиган ФХДЁ органларининг вазифалари ва фаолият йўналишлари аниқ белгилab берилди.

— Қарорда, шунингдек, ҳоким ўринбосарлари — хотин-қизлар кўмиталари расислари оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, тўғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш, тарғибот ҳамда маърифат бўйича чора-тадбирлар қўришга масъул этиб белгиланди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Мукаррам Нурматова. — Бу бизга катта масъулият юклайди. Бинобарин, фуқаролик ҳолати юридик фактларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида қайд этиш борасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти, ички иш-

2019 йилнинг 1 январидан бола тўғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қўйд этилишида чақалоқларга жисмоний шахсининг шохсий идентификация рақами берилиши амалиётга татбиқ қилинади.

Бундан ташқари, қайд этилмаган тўғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЁ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигида худудий комиссиялар ташкил этилиши тўғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси мавжуд бўлмаган болаларни аниқлашда катта туртки беради.

Қисқача айтганда, Президентимизнинг ушбу қарори йиллар давомида тизимда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш баробарида, аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Р. ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Устозлар ўғити ёшларга рағбат

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янги босқичга кўтаришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларни чуқур ўрганиш ва амалга ошириш бўйича муҳим тадбирлар ўтказилмоқда.

УЧРАШУВ

Ушбу хужжатнинг изчил амалга оширилиши бевосита рақобатдош мутахассис-кадрларга боғлиқ. Шу боис олий таълим муассасаларида соҳанинг таниқли педагог-олимлари билан учрашувлар уюштирилмоқда. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ҳамда унинг академик лицейида ҳам ана шундай тадбир ташкил этилди.

Учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши, миллий иқтисодиётга хорижий инвесторларнинг жалб этилиши, Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор вазифаларни амалга оширишда инсон капитали, унинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ушбу йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувда академик лицей ўқувчиси, 2018 йилда Халқаро математика олимпиадасининг кумуш медалга соҳиббаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Мафтуна Саматбоева ёшларга оид давлат сиёсати, ушбу масалаларда кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимизга ўз миннатдорлигини билдирди.

Мулоқот сўнигда академик С. Ғуломов республика ва халқаро фан олимпиадалари ҳамда кўрик-танловлар ғолибларига фахрий ёрликлар топширди.

Ҳасан МУСАЕВ,
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти профессори.

АФВ бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-мурувват ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, афв қилинган шахсларни оиласи ҳамда яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга ҳар томонлама кўмак берилади. Бу нафақат яхшилик кўрсатиш, балки жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳатоларидан муносиб хулоса чиқарган ҳар бир одам шахс сифатида ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаққи бор эканлигини намоён этиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Сайёра БАРАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:
— Афв — ишонч, демакдир. Президентимиз томонидан имзоланган ушбу Фармон билан озодликдан маҳрум қилинган бир гуруҳ фуқаролар афв этилиб, уларга ишонч билдирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон яқин қўшни давлатлар ва ривожланган мамлакатлар билан дўстлик муносабатларини янада яхшиламоқда. Очiq, дўстона сиёсат юритилди. Шу маънода, Фармон билан чет эл фуқароларининг афв қилиниши юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амал-

даги бир кўринишидир. Бу ҳам келгусида хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Омонжон АРАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:
— Инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият, деб тан олиш каби умуминсоний ва конституциявий принципларнинг амалда таъминланиши юртимиздаги барча ислохот ҳамда янгиланишларнинг асосини ташкил этади.

Фармонга мувофиқ, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган фуқаролар Президентимиз томонидан афв қилиниб, ушбу шахсларга жамият ҳамда ўз оиласи даврасига қайтиш имконининг берилгани халқимизнинг кечиримлилик, раҳмдиллик ҳамда бағрикенглик каби азалий қадриятлари намоёнидир. Ушбу тадбир жуда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ёки енгиллигига қараб эмас, балки қонунни бузган шахс жамиятнинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Ишонамизки, мазкур муқаддас ойда афв этилган фуқаролар бил-

АФВ этилганларнинг:

40 нафари
60 ёшдан ошган
шахслар

37 нафари
аёллар



дирилган ишончни оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшади.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари:
— Тинчлик — дунёдаги энг бебаҳо нёъмат. Бахтимиз шундаки, биз ана шундай хотиржамлик

ҳукмрон юртда яшаямиз. Буни ҳар биримиз теран англашимиз лозим. Президентимизнинг ушбу Фармони замирида инсонни улуғлаш, уни қадрлашдек улуғвор мақсад мўжассам.

Ислои дини тинчлиқни, кечиримлиликни эъозлайди. Хатонинг кечирилиши ёки айб ишининг тузатилишига имкон бериш, бу — жуда катта савоб. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур хужжат гоят тарихий аҳамиятга эга. Қолаверса, Рамазон ҳайити арафасида бағрикенгликнинг юксак намунаси бўлган ушбу хайрли мақсад кўпдан-кўп эзгуликларга йўл очиши муқаррар.

Озода ПАРПИБОВЕВА,
Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Ҳаётда хатога йўл қўйган инсонларга мурувват кўрсатиш азалдан халқимизга хос фазилат бўлиб, унинг мукофоти ҳам ҳар доим яхшилик бўлган.

Афв этилган аёллар орасида пойтахт вилояти вакиллари ҳам бор. Бу айни вақтда зиммаимизга катта масъулият юклайди. Уларнинг ўз оиласи ҳамда яқинлари бағрига қайтиши, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланиши, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун зарур ташкилий-амалий чораларни кўрамиз.

Ўз навбатида, хотин-қизлар

АФВ этилган фуқаролар

жами

226 нафар

Шундан:

✓

102 нафари

— жазодан тўлиқ озод қилинади;

✓

71 нафари

— жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади;

✓

39 нафари

га тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади;

✓

14 нафари

га тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Халқни рози қилиш — давлатни бойитиш демак

Жорий йилнинг 19-20 май кунлари Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи давомида “Хар бир оила — тадбиркор” дастури ҳақида сўз очган эди. Орадан жуда оз фурсат ўтиб, бу гапнинг рўёбга чиқиши, рости, барчамизни жуда қувонтирди.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорини ўқиб, Ўртабшомининг халқимизни янада бойитиш, рози қилиш, бандлигини таъминлаш ҳақидаги таклифлари бир бутун дастур шаклида ҳаётга татбиқ этилганидан мамнун бўлдик.

Ушбу Дастур меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик, хунарамандлик, фермерлик, касаначиликка ўргатиш орқали уларга доимий даромад манба яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Яхши биласиз, Андижон — аҳоли энг зич яшайдиган ҳудудларимиздан саналади. Бу ерда одамларнинг бандлигини фақат бир-иккита завод фаолияти билан таъминлаб бўлмаслигини давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида таъкидлаб, ҳар бир оила ўз маблағига, ўз иқтисоди-га эга бўлиши учун давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, иж-

тимоий ҳимоя қилиниши зарурлигини уқтирган эдилар.

Бугунги кунда вилоятимизда ҳар бир хонадонни тадбиркор қилиш мақсадида жадал ишлар бошлаб юборилган. Махалла раислари, тижорат банклари ходимлари хонадонма-хонадон юриб, ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини одамларга тушунтирмоқда, улар ўртасида тадбиркорликка бўлган истак ва қизиқишни кучайтирмоқда. Айни пайтда ҳар бир хонадоннинг тадбиркор бўлиши нафақат ўз оиласи, балки давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳам катта аҳамият касб этишини етказяпти. Меҳнат билан банд бўлган оила иқтисодий томондан, қолаверса, маънавий жиҳатдан ҳам бойдир. Чунки нимадир фойдали юмуш билан банд инсон нотўғри йўллардан юрмайди, турли ноҳуж ишлар билан шуғулланишга вақти бўлмайди.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган “Хар бир оила —

тадбиркор” дастури оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳ-рида, энг аввало, олис, табиий-иклим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати, даражасида сезиларли ўзгаришлар ясашга қаратилгани билан диққатга моликдир.

Айтиш жоизки, намунавий тарзда Андижон вилоятининг туман ҳамда шаҳарларида “Хар бир оила — тадбиркор” ҳудудий дастурнинг амалга оширилиши белгилангани биз — андижонликлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Азалдан тадбирли, шижоатли, ўз меҳнати билан фаровон яшаш-га интилиб келаётган вилоятимиз ахли бу синовда, Дастурда кўзда тутилган вазифаларни тўла-тўқис адо этиш, бошқа ҳудудларга ўз тадбиркорлиги билан намуна бўла оладиган натижаларга эришишда, шубҳасиз, сабот ва матонат кўрсата олади.

Шу ўринда ўзим яшайдиган маҳалла мисолида айтадиган бўлсам, маҳалламизда 515 та хонадон бўлиб, ўтган йили 156 та хонадонда банк кредитлари асо-

сида иссиқхона қурдик. Улар бугунги кунда иссиқхоналардан жуда унумли фойдаланиб келмоқ-да. Эътиборлиси, Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори эълон қилинганч эса, 300 дан зиёд оила бошқиларди имтиёзли кредит олиш учун ариза бергани диққатга сазовордир. Демак, бу ташаббус халқимиз қалбига чўғ сола олди. Давлатимизнинг оддий халққа, озгина кўмак берилса, қаддини тиклаб, ўзига ҳам, давлатга ҳам фойда келтиришга салоҳияти етарли фуқароларга кўрсатаётган бу ғамхўрлиги жамиятимизда яқин орада сезиларли ўзгаришларга замин яратяди.

Албатта, ҳар бир оила, катта-дир-кичикдир, тадбиркорлик билан шуғулланса, дейлик, кимдир чорвадор, кимдир уста, кимдир дурадгор, кимдир иссиқхона эгаси, бошқаси эса новвойи, сарта-рош, қандолчати бўлса, халқимиз фаровонлиги кескин ошади. Энг муҳими, дастурхонимиз тўқин-сочин, оилаларимиз тинч-осо-йишта, халқимизнинг кайфияти бундан-да аяло бўлади.

Тожибар ЮЛДАШЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.
Андижон вилояти

ОҚИЛА, ТИНИБ-ТИНЧИМАС, МЕҲРИБОН

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунга Тошкент тиббиёт академияси ва тиббиёт институтларининг “Олий ҳамширалик иши” бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менежмент йўналишлари бўйича тўрт ярим минг нафар олий маълумотли бакалавр ҳамширалар тайёрланди, юз нафарга яқин ҳамширалар магистр даражасига эга. Улар даволаш-профилактика муассасаларида бош, катта ва етакчи ҳамшира ҳамда тиббиёт институти ва коллежларида ўқитувчи сифатида фаолият юритмоқда.

Ортимиздаги бирламчи тиббий-санитария муассасаларида умумий амалиёт шифокорлари, тор соҳа мутахассислари билан бир қатор-да, юз минг нафардан кўпроқ патронаж ҳамширалар халқимизга тиббий ёрдам кўрсатяпти. Уларга ўз зиммаларига юкланган вазифаларни самарали адо этишлари учун барча шароит яратилаётир.

Тиббий патронаж хизматининг мақоми, мақсади ва вазифаси аниқ белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳа ривожини кўтаришга имко-

ният бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, бирламчи тиббий-санитария тизимида ишлаётган врачлар қаторида аҳолини патронаж билан тўлиқ қамраб олиш, оналар, болалар ўлими, ногиронлиқнинг олдини олиш, касалликка чалиниш кўрсаткичларини пасайтиришга эришаётган патронаж ҳамширалар ҳам моддий рағбатлантирилмоқда.

Ҳамширалик иши кенг қамровли жараён бўлиб, тиббиётнинг бирор йўналишини бу мутахассис фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, шошилинч тиббий хизмат, реанимация, операция блокларида малакали ҳамширанинг билими, маҳорати, тажрибаси, ўз касбига садоқати беморни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим омил бўлади. Ана шундай шарафли ва масъулиятли касб соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳамширалик ишига замонавий технологияларни татбиқ қилиш бўйича доимий семинар-тренинглр, маҳорат дарслари ташкил этилаётир. Соҳада орттирилган илгор тажрибаларни омдалаштириш мақсадида махсус қўрик-танловлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар йўлга қўйилган.

“Ҳамшира — 2018” танлови ҳам шундай муҳим лойиҳалардан биридир. Ўтган йиллардан фарқли равишда бу йил танловни ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонла-

ри янада такомиллашди. Танловда асосий эътибор ҳамшираларнинг билими, интеллектуал ва касбий салоҳиятига қаратиладиган бўлди. Шунингдек, иштирокчиларнинг тиббиёт билан бирга мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларга дахлдорлик тўғриси, фаол фуқаролик позицияси баҳолашнинг муҳим мезонларидан этиб белгиланди.

Танловда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Марказий қабулхона бўлими ҳамшираси Дилноза Холиқова биринчи ўрин совриндори бўлди. У ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Зомин тумани тиббиёт бирлашмаси Оқумли касаликлар бўлими ҳамшираси Холида Юсупова иккинчи, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиали Қабул диагностика бўлими ҳамшираси Марҳабба Абдукаримова учинчи ўринга сазовор бўлди. Уларга ҳам танлов ташкилотчилари томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Анъананага мувофиқ, бу йил ҳам “Ҳамшира — 2018” танловида биринчи, иккинчи, учинчи ўринни қўлга киритганлар тиббиёт олий ўқув юртлирига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СЕМИНАР

Импортни оптималлаштириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш орқали ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари таннархини камайтириш юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган пировард мақсаддир.



«Ўзавтосаноат»: Маҳаллийлаштириш даражасининг бугунги аҳволи қандай?

Ҳўш, саноатимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган автомобилсозликда бу борадаги аҳвол қандай?

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Умид Салимовнинг айтишича, таркибида 75 та ишлаб чиқариш корхонасини бirlлаштирган мазкур жамият тизимида жорий йилнинг олти ойида импорт ҳажми 5 фоиз қисқариши кўтиляпти. Аммо бу паст кўрсаткич бўлиб, уни йил охиригача 10 фоизга етказиш кўзда тутилган. Шу боис Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда, импорт ўрнини босувчи автомобиль эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриляпти.

Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмали семинардан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат эди. “Ўзимёсаноат”, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятлари, “Ўз-элтехсаноат” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар, шунингдек, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашган ушбу тадбирда мамлакатимиз автомобилсозлик саноати учун зарур бўлган, аммо айни пайтда импорт қилинаётган бутловчи қисмлар намойиш этилди.

Таъкидлаш керакки, Асакадаги автомобил заводи фаолиятини бошлаган пайтда тўртта маҳаллий корхона томонидан атиги 12 хилдаги бутловчи қисмлар етказиб берилган, холос. Бугунги кунда таъминотчи корхоналар сони 100 дан, улар томонидан етказиб берилаётган махсулотлар турли эса 2,5 мингдан ошди. Шундай бўлса-да, импорт ҳали айтарли дара-

жада қамаёгани йўқ. Масалан, штампланган деталлар четдан энг кўп олиб келинадиган бутловчи қисмлар сирасига киради. Йилга ўртача 47 миллион АҚШ долларлик 482 хилдаги шундай деталлар импорт қилинмоқда. Худди шунингдек, пластик ва резина деталлар, ўқлар, узатмалар қутиси ричағи, тормоз ва руль бошқаруви тизимлари, хатто, хавфсизлик камарлари ҳам тўлиқ хориждан келтириляпти.

Табиий савол туғилади: шу каби талаб катта бўлган, муҳими, маҳаллийлаштириш иқмонияти мавжуд детал ва бутловчи буюмлар қачон ўзимизда ишлаб чиқарила бошланади?

— Импортни оптималлаштириш, айниқса, “GM Uzbekistan”да талаб катта эҳтиёт қисм ҳамда бутловчи буюмларни маҳаллий хом ашё асосида тайёрлашни йўлга қўйишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб бориляпти, — дейди “Ўзавтосаноат” АЖ Маҳаллийлаштириш бошқармаси бошлиги Шавкат Алимов. — Шу мақсадда ишлаб чиқилган дастлабки 26 та лойиҳада тўлиқ импорт қилинаётган деталларни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган. Биргина штампланган деталларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун қиймати 70,1 миллион АҚШ долларлик лойиҳа тайёрланди. Семинарда шу каби бутловчи буюмларга бўлган йиллик эҳтиёж, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, сарф этиладиган маблағ, қайси компаниялар билан ҳамкорлик қилиш кераклиги ҳақида маълумотлар бердик. Бу эса тадбиркорларга маълум қилди.

Тадбир иштирокчилари тақдим этилган лойиҳалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга маъсуддилардан аниқ жавоб олдилар.

Самид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

“Европа иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги барқарор ҳамкорлик йўлида: АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯНГИ УФҚЛАР”

Тошкент Фотосуратлар уйида ушбу номдаги кўргазма бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда барча давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳамда Европа иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати, истиқболи ҳақида маълумот берилди.

Мазкур кўргазмада Лазизхон Тوشбеков ва Лорен Кана Чаннинг қирқдан ортиқ иходий ишлари тақдим этилмоқда.

Хамкорлик

— Европа иттифоқининг мамлакатимиз билан ҳамкорлиги, унинг ўзбек халқига кўрсатаётган устувор йўналишлари акс этган мазкур кўргазмада Ўзбекистон маданияти, одамларининг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлари

ҳамда қадриятлари ўз ифодасини топган, — дейди Ўзбекистон Бадиий академиясининг бош илмий котиби Феруза Обиджоновна. — Фотожодкорлар, энг аввало, юртимизда аҳиллик ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилаётган кўплаб миллат ҳамда элат вакилларининг эзгу интилишларини асосий мавзу қилиб олганлар.

Кўргазма 18 июнга қадар давом этади.

Муҳаммаджон
АҲМАДЖОНОВ.



Бахтиёр АҚРАМОВ
олган сурат.

АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

ҳаётга изчил татбиқ этилаётган лойиҳанинг асосини ташкил қилади

“Шаҳар маҳаллалари” деганда, кўз олдимизда яшаш учун барча қулайликка эга, худуди обод, кўчалари озода, уйлари кўркам, умуман, инфратузилмаси ривожланган ёрқин бир манзара гавдаланади. Аслида-чи? Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Аммо гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, ҳамма жойда ҳам вазият сизу биз ўйлаганчалик эмас. Ҳаттоки, пойтахтимизда ҳам.

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ

Фикримизни Тошкент шаҳрининг Мировобд тумани Фуқрат номидаги маҳалла фуқаролар йиғини мисолида давом эттирсак.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салоҳиддин Исоков бизни идора томон бошлади. Сайхун кўчаси 166-уйнинг биринчи қаватида жойлашган ушбу фуқаролар йиғини идорасига сизни кимдир бошлаб бормаса, у ерда унинг борлигини тасаввур ҳам қилмайсиз.

— Бизга иккита хона ажратилган, — дейди С. Исоков. — Бирода мен ҳамда масъул котиб, иккинчисида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассис иш юритади. “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари, йиғин қошида тузилган махсус комиссиялар аъзолари учун хоналар ажратилмаган. Мавжуд иккита компьютернинг бири анча эскирган. Ўқув адабиётлари, мебель жамланмалари аҳоли ҳам ҳаминақадар. Шундай бўлса-да, зиммамиздаги вазифаларни астойдил бажаришга ҳаракат қилаями.


Энди уйлаб кўринг, меҳнат қилиш учун етарли шарт-шароит яратилмаса ишда самарадорликка эришиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Маҳалла худудини ободонлаштириш бўйича навбатини кутиб ётган ишлар ҳам кўп. Қарийб 6,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган 33 та кўп қаватли уй атрофини айлансангиз, уларнинг деярли қўпчилигининг ертўла ва том қисмини, кириш йўлакларини таъмирлаш кераклигини, худудини тартибга келтириш, замонавий болалар майдончаларини қуриш, эски гараж ва ноқонуний қурилмаларни бузиш, 6 километрдан ортиқ ички йўللарга асфальт ётқизиш лозимлиги кундек равшан бўлади.

— Анчадан буюн шу маҳаллада яшаймиз, — дейди Умида Ғоипова. — Уйимиз олдидagi болалар май-

дончаси қаровсиз, ташландиқ аҳволда. Фарзандларимизни қаерга олиб чиқиб ўйнатишни ҳам билмаймиз. Шу ерда замонавий болалар майдончаси бўлишни жудаям хоҳлардик.

Маҳалладаги 15-ўйда яшовчи Ҳусния Сапаеванинг айтишича, канализация тизимидаги носозликлар туфайли ертўлада сув тўпланади. Бу эса атрофда турли ҳашаротлар



кўпайишига ва бадбўй хид тарқалишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ноҳуш ҳолат анчадан бери давом этаёпти.

Пойтахтимизда бу каби сермуаммо маҳаллалар борлигининг ўзи кишида ноҳуш кайфият уйғотади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ғоя ҳамда ташаббуслар маҳаллалар нуфусини ошириш баробарида, халқимиз турмуш маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётир. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг чекка-чекка қишлоқларида кенг қулоч ёйган “Обод қишлоқ” дастури бунинг ёрқин тасдиғи, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Дастлаб юртимизнинг олис ҳудудларида бошланган ушбу эзгу саяё-ҳаракат эндиликда шаҳарларга кўчмоқда.

Гап шундаки, “Обод маҳалла” дастури ишлаб чиқирилиб, ҳаётга жадал татбиқ қилинаётгани одамларни рози қилиш йўлидаги яна бир тарихий воқеаликка айланаётир.

қуни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Чилонзор туманидаги “Тирсақобод” ҳамда “Хирмонтепа” маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам ташриф буюргани бежиз эмас. Чунки ушбу маҳаллаларда ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

— Ўртабшомининг биз, маҳалла фаоллари, аҳоли билан дилдан суҳбатлашиб, барча ишлар тўб ташарида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам бўлиши кераклигига алоҳида ургу берди, — дейди “Хирмонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзам Мавлонов. — Албатта, бу маҳалла раиси сифатида менга катта масъулият юклайди. Бугунги кунда маҳалламизда 5 минг 300 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг кўнглига йўл топиш, яшаш-ёмон кўнглига елкадош бўлиш, худудимизни обод этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаями.

Лекин шу пайтгача маҳалламиз умумий қиёфаси, инфратузилмаси билан мақтана олмасдик. Қанийди, Манасдаги бунёдкорлик ишлари бизнинг маҳаллада ҳам бўлса, деб орзу қилгандик. Ниятимиз холис экан, мана, орадан кўп ўтмай ма-



Кўриб турганингиздек, пойтахтимизда бу каби сермуаммо маҳаллалардаги ушбу кўнглини хижил қилувчи манзаралар, навбатини кутиб ётган камчиликлар кишини ташвишга солади.

Кўп қаватли уйлар олдидо болалар майдончалари бору, афсуски, қаровсиз, ташландиқ аҳволда. 6 километрдан ортиқ ички йўллар эса таъмирталаб. Айрим уйларнинг канализация тизимидаги носозликлар туфайли ертўлада сув тўпланади. Ҳўш, мазкур ҳолатлардан аҳоли яна қанча азият чекиши керак?

Маълумотларга кўра, яқин орада Тошкент шаҳридаги 90 га яқин маҳаллаларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Юқорида қайд этилган Фуқрат номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳам “Обод маҳалла” дастурига киритилган бўлиб, унинг доирасида муаммолар босқичма-босқич бартараф қилинади.

Президентимиз шу йил 1 июнь

ҳалламиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборадиган қурилиш ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Дарҳақиқат, маҳаллага ташриф буюрар экансиз, улкан ободончилик ишлари устидан чикасиз. Бунёд этиладиган намунали маҳалла идораси ўз ичига йиғин ходимлари, профилактика инспектори учун хоналар, коммунал тўловлар шохобчаси, қу-

тубхона, оталар чойхонасини қамраб олмоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда унинг таркибидagi дорихона, новвойихона, савдо шохобчаси ва автотурагроҳ ишга туширилди.

“Обод маҳалла” дастури доирасида маҳаллада қарийб 10 миллиард сўмлик ободончилик ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Ёшлар учун сунъий қопламали минифутбол майдончаси, замонавий сузиш ҳавзаси, икки қаватли тренажёр зали, ҳар бир уй олдида замонавий дизайн асосида болалар майдончасини қайта қуриш, эски гаражлар ўрнида ишлаб чиқариш цехлари очилади.

— “Обод маҳалла” дастури жорий этилиши шу ерда яшовчи фуқаролар қатори менга ҳам гурур бағишлайди — дейди Дилфуза Зиямуҳаммедова. — Шу пайтгача бизни ўйлантириб келаётган масалалар ечимини топмоқда. Мисол учун, маҳалламизда поликлиникамиз йўқлиги сабабли бир оз қийналардик. Энди замонавий тиббиёт маркази очиладиган бўлибди. Бундан жуда хурсандимиз.

Худди шундай Тирсақобод маҳалласида ҳам “Обод маҳалла” лойиҳаси асосида кўплаб камчиликларга ечим топилади. Аввало, “Sherobod building” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилором Мамудова ташаббуси билан намунали маҳалла маркази қад ростлайди.

Йиғин раиси Иброҳим Ҳайдаровнинг маълумот беришича, Дастурга мувофиқ, тўққизта кўп қаватли уй ҳамда 516 та ҳовлининг ертўла қисмидаги сув қувурлари таъмирланиб, ирригация тизими яхшиланади. Шунингдек, ёшлар учун футбол майдончаси қуриш, махсус спорт комплексини фойдаланишга топшириш ҳам кўзда тутилган, бу оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Обод маҳалла” дастури пойтахтимиздаги маҳаллаларни обод қилиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш, умуман, халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, шукроналикда умргузаронлик қилишларини қафолатлашда катта ўрин тутяди. Зеро, маҳалла обод бўлса, юртимиз, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳам тобора юксалиб бораверади.

Раҳим ШЕРКУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ, Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ
олган суратлар.

МАҚОМ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни кунларда Қашқадарёда ушбу нуфузли анжуманга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокими Зафар РЎЗИЕВ билан айнан шу мавзуда суҳбатлашди.

— XIV — XVI асрларда жаҳон аҳлининг илм ва зиё марказига айланган Шахрисабз “Илм ва одоб куббаси” сифатида дунёда шуҳрат қозонган. Тарихий манбаларда Амир Темури хукмронлиги даврида бу ерга бошқа юртлардан кўплаб толиби илмлар, маданият ва санъат намояндаларининг келганлиги, уларнинг ижоди ҳақида маълумотлар бор.

— Ҳақиқатан ҳам, Шахрисабз буюк саркарда, маърифатпарвар давлат арбоби Амир Темури туғилиб вояга етган гўша сифатида, нафақат маҳобатли тарихий меъморчилик ёдгорликлари билан, балки маданият ва санъат ўчоғи сифатида ҳам довруқ қозонган. Қадимда ушбу манзилнинг ада-

бий-муסיқий дostonчилик ҳамда мақом ижрочилиги билан машҳур бўлганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди. Бу даврда соҳибқирон бобомиз томонидан муסיқа илми ва амалиётига катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан ўзбек мақом санъатининг шаклланишида Темурийлар даври ижодий муҳити алоҳида аҳамият касб этган.

Президентимизнинг алоҳида эътибори, қолаверса, юқоридаги тарихий ҳақиқатнинг мантиқий давоми сифатида анжуманининг Шахрисабзда ўтказилишидан фахрланамиз. Мазкур қарорга асосан ишлаб чиқилган “Халқаро мақом санъати анжумани” концепциясида асрлар оша устоздан шогирдга оғзаки равишда ўтиб борган мақомларнинг фалсафаси теран, шакл ва услублари ранг-

САНЪАТИ ДОВРУҒИ ДУНЁГА ЁЙИЛМОҚДА

баранг, туб қонуниятлари муштараклиги алоҳида таъкидланади. Шу боисдан ҳам шарқона макомот дурдоналари башарият тамаддуни узра ўлмас маънавий қадриятлар сирасига киради. Анжуман доирасидаги биринчи илмий симпозиумни “Темурийлар даври муסיқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” номи билан ўтказиш кўзда тутилган.

— Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда, ЮНЕСКО шафелигида ўтказиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси ҳақида нима дейсиз?

— Дарҳақиқат, мазкур анжуман ЮНЕСКО шафелигида ўтказилиши назарда тутилган бўлиши бежиз эмас. Ўзбек мақом санъати нафақат юртимиз ва Шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шуҳрат ҳамда эътиборга эга.

биринчи галдагиси ўзбек мақом санъатининг нуфузини ошириш ҳамда бу борада ижодкорлик, ижрочилик ва мақомшунослик илм-фани ютуқлари билан ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Ушбу вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун ЮНЕСКО таркибидаги халқаро “Maqam” гуруҳи билан устувор режалар ва ташкилий масалалар юзасидан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Шахрисабзда мақом анжуманини ўтказиш юзасидан вазифалар белгилаб олинган. Анжуман доирасида илмий симпозиум, жаҳон мақомот санъати ва ўзбек мақом санъати усталари иштирокидаги чиқишлар, ёш мақом ижрочилари танлови, мақомларга асосланган бастакорлар, композиторлар асарларидан концертлар, шунингдек, илмий-ижодий тақдиротлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларнинг ҳар бири алоҳида ишлаб чиқил-

дек, ўтмиш муסיқа рисолаларининг нобў нусхалари, мақом ижрочилигига оид қўлуғлар, машҳур мақомчи устозларнинг фотосуратларидан иборат кўргазма ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мақом усталари — атоқли ҳофиз ва созандалар ижросида ёзиб олинган асарларни ўз ичига олган аудио альбомлар туркумини чиқариш режалаштирилмоқда. Айни пайтда эски граммафон ликоңчалар, “Бўҳоро Шашмақоми”, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона-Тошкент мақомлари” номлари остида чиқарилган аудио альбомлар, нота тўпламлари, “Ўзбекистон мақом санъати усталари” руқни остида чоп этилган янги адабиётлар, шу жумладан, Ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий тадқиқот ва илмий-маърифий адабиётлар намойиши анжуман ишига янада мазмун бағишлайди. Бу соҳадаги барча ишларга республика

томонидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Халқаро мақом анжуманининг саҳнаси, ўриндиқлар жойлашуви бўйича лойиҳа-чизмаси, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан таклиф этиладиган таниқли мақом ижрочи-намоёндалари ҳамда муסיқа жамоатчилиги вакилларининг дастлабки харитаси ишлаб чиқилди. “Оқсарой” майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва миллий созлар лабораторияси ташкил этилмоқда.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарёга ташрифини Шахрисабзда мақом санъати усталари билан учрашувдан бошлаган эди. Унда Юртбошимиз ушбу санъат истиқболлари, халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш борасида фикрларини айтиб, мақом фестивалини сайил тарзида, маданият байрами сифатида ўтказиш зарурлигини таъкидлаганди. Шахрисабзда ташкил этилаётган Мақом маркази ва музейи анжуманга байрам тусини беришда катта аҳамиятга эга. Бу борада ҳозир қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимиз қарорига асосан ташкил этилаётган “Мақом музейи”да Ўзбекистонда мақом санъатини ривожлантириш босқичлари, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ҳамда анъаналар, буюк

бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини намойиш этиш, илмий асосда ўрганиш ва тарғиб этиш, ўзбек мақом санъати мумтоз ва замонавий ижро намуналарининг фондини яратиш кўзда тутилган. Ҳозир бу соҳадаги коллекциялар тўпланмоқда. Музей Шахрисабз шаҳрининг тарихий қисмидаги Санъат саройидан жой оляпти. Унинг экспозиция майдони 400 кв.м.дан иборат бўлиб, 4 та мавзуга бўлинади. Музейда саёҳатчиларни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзлиқни англаш туйғуси, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурнинг камол топтириш, мақом санъатини кенг тарғиб қилиш ҳамда ноанъанавий экспозициялар яратиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга эришилади.

Иштирокчилар учун Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, унинг тақдорланмас санъати замонавий технологиялар асосида мультимедиа тизими орқали ҳаққоний ёритиб берилади. Экспозицияларни намойиш қилишда сенсорли компьютер воситалари, аудио-видео ва мультимедиа техникалари, ойнаванд витриналар, шитлар, макетлар, муляжлар, типография ва полиграфия маҳсулотлари, нуктали ёриткичлар, маълумотларнинг виртуал базаси ҳамда мультимедиа дастури, ҳар бир мақом турларига тегишли CD-DVD кўришчида муסיқий ёзувлар ва бошқалардан кенг қўламда фойдаланиш режалаштирилган. Бу эса анжуманда қатнашувчи хорижий сайёҳлар ва меҳмонлар учун катта қулайликлар яратади.

«Халқ сўзи» муҳбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ ёзиб олди.

QISHLOQQURILISHBANK

- ✓ **Замонавий**
- ✓ **Қулай**
- ✓ **Тезкор**

«Қишлоққурилишбанк»
«ONLINE КОНВЕРСИЯ»
хизматини таклиф этади.

- Банкимизнинг сўм пластик карточкаларига эга мижозлар ўзларининг VISA халқаро тўлов карточкаларига чет эл валютасини онлайн режимида конверсия қилиш имкониятига эгалар.
- Мазкур амалиёт «QQB-mobile» мобиль иловасини интернет тармоғидан юклаб олган ҳолда, пластик карточкани рўйхатдан ўтказиш орқали бажарилади.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-93-39, 150-76-47.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Zamin Eko Agro» корхонаси ғалладан бўшаган майдонларга экиш учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини таклиф қилади:

Маккажўхори — NS 205 F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 10 т/га.

Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синовдан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экинг...

«ZAMIN EKO AGRO»
Тошкент ш., М-39 автомагистралли,
тел.: (+99897) 130-51-21, 755-02-55,
факс: (+99871) 150-15-89.
www.zea.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«FPI DELIVERY SERVIS» МҶМ
боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от қучига эга.
Дизель ҳамда бензин ёнилғисига ишлайди.

Махсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси.
Маълумот учун телефонлар: (+99890) 986-80-68, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-35-71.

www.motoblok.uz

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни такдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35
Профнастил учун материал сифатида рулдан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун куйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: **(+ 998 95) 197-00-93**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўёлонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.55 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6